



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - dekabr

137n -son

Boğ‘ot shaharchasi

Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида 2020 йил дастури бўйича қуриб битказилган кўп қаватли уй-жойлар ички йўллари фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги 2016 йил 21-октябрдаги ПҚ-2639-сонли ва 2018 йил 24 ноябрдаги ПҚ-4028-сонли қарорига мувофиқ, “Урганч қурилиш транс” масъуляти чекланган жамиятининг 2020 йил 21 декабрдаги 27-сонли сўровномасини, “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Хоразм вилоят филиали буюртмаси асосида Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган кўп қаватли арзон уй-жойларни фойдаланишга қабул қилиш мақсадида, қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида Давлат қабул ҳайъатининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунини 6, 25-моддасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида Давлат қабул ҳайъатининг далолатномалари тасдиқлансин.
2. Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида “Урганч қурилиш транс” масъуляти чекланган жамияти томонидан кўп қаватли уй-жойлар ички йўллари фойдаланишга қабул қилинсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**

Ш.Яхшибаев